

# Мерос олишга монеълик қилувчи сабаблар

15:51 / 18.04.2017 4242

## Меросдан ман қилувчи сабаблар тўрттадир.

Қуйида зикри келадиган тўрт монеъдан бири мавжуд бўлса, мерос олишдан тўсади, ман қилади.

**1.Қуллик - қулнинг қул бўлганлиги, уни бирон қариндошидан мерос олишдан ман қилади.** Чунки қулга мерос улуши берилса, уни хожаси олиб қўяди. Маълумки, хожа қулнинг қариндошларига бегона ҳисобланади. Бу борада фуқаҳоларнинг «қул ва унинг қўлида бўлган нарсалар хожасиникидир» деган сўзлари машҳурдир. Бунда қул мудаббар(хожаси ўлганимдан сўнг озодсан деб айтган қул), мукотаб(маълум миқдордаги маблағ эвазига озод бўлиши шарт қилинган қул) бўлишининг фарқи йўқдир.

**2.Қатл - ворис ўз муваррисини ўлдирса, у мерос олмайди.**

Пайғамбар(с.а.в.):

ءيش لئاقلل سئل

яъни: «Қотилга (ўлдирганини мақтулни тарикасидан) ҳеч нарса йўқдир» (Абу Довуд ривояти) - деган сўзлари бунга далилдир. Қотил гўё ўз вақтидан эртароқ мерос олишга шошилиб муваррисни ўлдирган ҳисобланади. Фуқаҳоларнинг “Ким бир нарсани ўз вақтидан олдинроқ ҳосил қилишга шошилса, ўша нарсадан маҳрум қилинади”, деган сўзлари бунга далилдир.

Қотилни меросдан ман қилишнинг яна бир ҳикмати шуки, агар қотил меросдан ман қилинмаганда кишилар, меросни тезроқ қўлга киритиш учун муваррисларини ўлдирар, натижада жамиятда беқарорлик вужудга келар эди. Бизнинг ҳанафий мазҳабимизга кўра, меросдан ман қилувчи қатл бу каффоратни вожиб қилган қатлдир. Бунга қасддан ўлдириш, хато қилиб ўлдириш ва шибҳул амд (қасддан ўлдиришга ўхшаш ) қатл киради.

Моликийларга кўра, қасддан ўлдиришдан бошқаси меросдан ман қилмайди.

Шофеийларга кўра эса, барча кўринишдаги қатл меросдан ман қилади. Масалан, бир киши яқин қариндошига зино қилганида гувоҳлик берса, кейин уни ражм(тошбўрон) жазоси билан ўлдирилса, шоҳидлик берганга мерос берилмайди.

Ҳанбалийлар наздида, қасос, дия, каффорат билан товони тўланадиган ҳадларда меросдан манъ қилинади.

### **3.Ихтилофуд-дин - Диндаги фарқлилик, яъни турли динда бўлиш.**

Бу фарқ Ислом ва куфр орасидадир. Ҳадисда:

مَلْسَمَ لِرَفَائِلَ الْوَرَفَائِلَ مَلْسَمَ لِرَفَائِلَ

яъни: «Мусулмон кофирдан, кофир мусулмондан мерос олмайди» дейилган. (мутаффақун алайҳ). Бошқа ҳадисда пайғамбар (с.а.в.)

يَتَشَرَّكَ فِي مِلَّةِ لِهَاتِي

яъни: «Икки хил миллат (дин) аҳли бир-биридан мерос олмайди. деб марҳамат қилганлар(Абу Довуд ва Аҳмад ривояти). Исломдан бошқа диндагилар бир-биридан мерос олаверади. Яҳудий насронийдан ёки акси бўлиб мерос олади.

Саҳобалардан Муоз ибн Жабал (р.а.) мусулмон кофирдан мерос олади, чунки Ислом олийдир, ундан олий ҳеч нарса йўқдир, деганлар. Лекин жумхур уламоларнинг сўзи бу ўринда тўғрироқдир.

Баъзи уламолар «Риддат» (Исломдан чиқиб бошқа динга кириш)ни ҳам мерос монетларидан санаганлар. Аслида бу ҳам ихтилофуд динга дохилдир. Муртад (диндан қайтган), уламоларнинг ижмоъсига кўра мусулмондан мерос олмайди. Аммо мусулмон муртаддан мерос олиши ҳақида уламолар қуйидагича фикр айтганлар: Моликий, Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳабларда мусулмон муртаддан мерос олмайди. Муртаднинг моли мусулмонларнинг ўлжаси ҳисобланади, дейдилар. Аммо ҳанафийлар эса, муртаднинг моли мусулмон ворисларига меросдир., дейдилар. Бу раъй Абу Бакр, Али ва ибн Масъуд (р.а.)лардан ривоят қилинган.

Мазкур ҳукм мусулмон ўлкасида яшайдиган мусулмон ва кофирлар орасидаги меросга доирдир.

**4. Ихтилофуд-дорайн - яшайдиган диёридаги фарқ.** Яшаш диёри бошқа-бошқа бўлиши билан миллати бир бўлсада, бир-биридан мерос олмайди. Мусулмон диёрида яшайдиган зиммидан бошқа юртда

яшайдиган кофир қариндоши мерос олмайди.